РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

МАРДАНОВ ЖАМШИД ЖАХОНГИРОВИЧ

ЭКСТРАДУРАЛ ОРҚА МИЯ ЎСМАЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ

14.00.28 - Нейрохирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

УЎК: 616.832.959-006:616-089.16

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Марданов Жамшид Жахонгирович
Экстрадурал орқа мия ўсмаларни хирургик даволаш тактикаси..... 3

Марданов Жамшид Жахонгирович
Тактика хирургического лечения экстрадуральных опухолей спинного мозга..... 21

Mardanov Jamshid Jahongirovich
Tactics of surgical treatment of exstradural tumors of the spinal cord..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 43

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

МАРДАНОВ ЖАМШИД ЖАХОНГИРОВИЧ

ЭКСТРАДУРАЛ ОРҚА МИЯ ЎСМАЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ

14.00.28 - Нейрохирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.PhD/Tib123 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган илмий амалий нейрохирургия тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.niito.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Кариев Гайрат Маратович,** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мирзабаев Марат Джумабекович,** тиббиёт фанлари доктори (Қозоғистон Республикаси)
	Кадырбеков Равшанбек Турсунбекович, тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____»_____ куни тарқатилди
(2018 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг аҳамияти ва зарурияти. Орқа мия экстрадурал ўсмалари нейровертебрология сохасида учрайдиган касалликлар орасида долзарблиги жиҳатидан етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, «орқа мия бирламчи ўсмалари орасида экстрамедулляр ва экстрадурал ўсмалар 16%-38% ни ташкил этади»[1]. Экстрадурал орқа мия ўсмаларини даволаш ҳозирги кунда энг мураккаб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва оғир неврологик асоратларга сабаб бўлади (40%-60%), бу ўз навбатида ногиронликка, ижтимоий мослашувни чегаралашга олиб келади. Жаҳон адабиёти маълумотларига кўра, «умуртқаларнинг ёмон сифатли ўсмаларида омон қолиш даражаси ўрта ҳисобда 54%ни, метастазли зарарланишларда эса 40%ни ташкил этади»[2].

Экстрадурал орқа мия ўсмалари бўлган беморларда умуртқанинг патологик синишларини даволаш, улар туфайли юзага келадиган умуртқа нотурғунлигини тиклаш, химиотерапия усулларини такомиллаштириш ва асоратларни олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб. Охирги йиллардаги нейровертебрология ва нейроанестезиология тараққиёти турли жарроҳлик амалиётларининг имкониятларини ошириб беришга сабаб бўлди. Эндоскопик амалиётларни қўллаш, суяк нуқсонларини тўлдиришда пластика усулларидан фойдаланиш, сифатли стабилизация усулларини ишлаб чиқиш катта натижалар бермоқда. Умуртқа поғонаси патологик ўзгарган танасини буткул олиб ташлашга бағишланган М-блок резекцияли операциялар, ўсма билан зарарланган тўқималарни юқори частотали абляция қилиш усуллари ривожланди. Бинобарин, экстрадурал ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик йўли билан даволаш, нерв-томир устуни декомпрессияси, умуртқа поғонаси турғунлигини ошириш, ўсмалар рецидивлари ва неврологик асоратларни олдини олиш чоралари етарлича ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда орқа мия экстрадурал ўсмаларини жаррохлик йўли билан даволашнинг турли дифференциал усуллари қўлланилмоқда. Жумладан, умуртқа поғонаси сохасидаги метастазларни ва интрадурал орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Транспедикуляр фиксация усулларини қўллаш масалалари такомиллаштирилган. Шулар билан бир қаторда умуртқа поғонасида экстрадурал ўсмалари бўлган беморларга ташхис қўйиш ва уларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг натижаларини яхшилаш, касалликнинг зарарланиш даражаси ва уларнинг асоратларини эрта даврда аниқлаш ҳамда жаррохлик усулларини такомиллаштириш муҳимдир. Ушбу муаммони ҳал қилишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

---

[1] Wu J., Ranjan S. Continuum Learning in Neurology, 2018 / https://journals.www.com/continuum/.

[2] Basma J, Nguyen V, Sorenson J, Michael LM 2nd. Orbitopterional Approach with Extradural Clinoidectomy for the Resection of a Tuberculum Sellae Meningioma: Adapting the Strategy to the Microsurgical and Pathological Anatomy. // J Neurol Surg B Skull Base. 2018 Apr;79 (Suppl 3):S261-S262. www.ncbi.nlm

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[3] «аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш» вазифаси белгиланган. Бу борада орқа мия экстрадурал ўсмаларининг эрта клиник белгиларини аниқлаш, патологик синишларни олдини олиш, жаррохлик муолажаларини ўсмаларнинг турларига қараб дифференциал жаррохлик ёндашувларни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралидаги «Ўзбекистон Республикасини келгусидаги стратегик ривожланиши» ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йилнинг 12 июндаги «Соғликни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3052-сон ва 2017 йилнинг 20 июнидаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш» тўғрисидаги ПҚ-3071-сон қарорларини хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республикамиз фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт и фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Орқа миянинг экстрадурал ўсмаларида эрта специфик клиник-рентгенологик белгиларнинг яққол намоён бўлмаслиги натижасида ташхисни нотўғри қўйиш 80%гача патологик синишларнинг юзага келишига олиб келмоқда (Chotai S, Liu Y, Qi S., 2018). Nussbaum E.S. (2018) фикрига кўра, орқа мия экстрадурал ўсмалари натижасида юз берадиган умуртқа таналари компрессион жарохатларини дифференциал ташхислаш бугунги кунда айрим қийинчиликлар билан боғлиқ, чунки бу каби холатлар умуртқа танасининг якка зарарланиши ва компрессиясида ҳам учрайди. Бу эса патологик ёки шикастли компрессион синишлар ўртасидаги фарқни аниқлашни қийинлаштиради.

Сўнгги йилларда дунёда ўсма касалликларининг ортиб бораётганлиги кузатилмокда. Тадқиқотчилар, асосан, ўсма жараёнини эрта аниқлашга ва локал химиотерапия ўтказишнинг самарадорлигини ўрганишга интилмоқдалар (Dogan I., Ucer M., Başkaya M.K., 2018). Жаррохлик амалиётини ўтказиш муддати борасида муаллифлар фикрига кўра, айниқса «параплегия холатида 10 кун ичида ўтказилиши керак» (Tanaka T., Boddepalli R.S., Miller D.C., Cao Z., Sindhwani V., Coates J.R., Govindarajan R., Litofsky N.S., 2018), бошқа олимлар фикрича, 24 соатдан кейин қилинган ламинэктомия орқали яхши натижага эришиш мумкин (Tanaka T., Boddepalli R.S., Miller D.C., Cao Z.etal, 2018). Ўсмани олиб ташлаш бўйича ҳам фикрларнинг турлилиги катта баҳсга сабаб бўлмоқда ва жарроҳлик амалиётидаги услублар ва ёндашувлар бўйича аниқ фикрлар тўхтами мавжуд

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг2017 йил 7 фервалдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони

эмас. Орқа мия экстрадурал ўсмаларини даволашнинг қатор услублари ва уларга кўрсатмалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, даволашдан кейинги даврлардаги ижобий натижалар етарли эмас (Фазилов Ш.К., Худойбердиев Қ.Т., Исаков Б.М., 2009).

Ўзбекистонда умуртқа ва орқа мия ўсмаларига бағишланган илмий тадқиқотлар етарли эмас, асосан метастаз хосилаларнинг ташхиси ва уларни даволаш мавзусида ишлар олиб борилган (Абдуллаев Д.Д., 2008; Перфильев С.В., 2009). Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламларида экстрадурал ўсмалар сони ўсиб бораётганлиги аниқланган (Кариев М.Х., 2008). Шу сабабли экстрадурал орқа мия ўсмаларини ташхислаш ва даволаш усулларини хамда жарроҳлик амалиётида қулай ёндашув услубларни ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида №01980006703 “Жарохатдан кейинги умуртқада учрайдиган касалликлар билан оғриган беморларларда жаррохлик усулларин ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экстрадурал орқа мия ўсмаларини дифференциал жарроҳлик ёндашишни ишлаб чиқиш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

орқа мия экстрадурал ўсмаларининг жойлашуви, беморларнинг жинси, гистология натижаларини инобатга олган ҳолда тахлил қилиш;

орқа мия экстрадурал ўсмаларининг клиник кўриниши хусусиятларини гистологик маълумотлар билан таққослаш хамда турли ёрдамчи ташхис усулларининг ахамиятини аниқлаш;

орқа мия экстрадурал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш ва ташхислаш алгоритмини тузиш ва жаррохлик амалиётини ўтказиш учун кўрсатмаларни аниқлаш;

орқа мия экстрадурал ўсмаларининг жойлашуви ва хажмига қараб жаррохлик амалиётининг дифференциал белгиларини тахлил қилиш;

орқа мия экстрадурал ўсмаларини жаррохлик йўли билан даволаш натижасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2008-2015 йилларда Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида орқа мия экстрадурал ўсмалари билан даволанган 249 нафар беморлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини орқа мия экстрадурал ўсмаларини ташхислаш ва дифференциал жаррохлик амалиётларини ишлаб чиқишда қўлланган клиник, нурли, гистологик текширувлар ва такомиллаштирилган орқа-ён жаррохлик усулини қўллаш натижалари ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий клиник, неврологик, нурли (рентген, МРТ, МСКТ), сцинтиграфия, махсус шкалалардан ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умуртқанинг олд ва ён томонларида жойлашган орқа мия экстрадурал ўсмаларини даволашда нерв-томир устунини адекват декомпрессия қилувчи ва умуртқа поғонаси таянч тузилмасини максимал сақлаб қолувчи орқа томондан бажариш орқали жаррохлик ёндашуви такомиллаштирилган;

орқа мия экстрадурал ўсмаларининг гистологик тузилиши ва локализацияси бўйича касалликнинг неврологик холатини тикланиши прогностик критерийлари ишлаб чиқилган;

умуртқа поғонаси ўсмаларини хирургик даволашда деструкция ўлчамларини аниқлашга ва суяк нуқсонини тўлдирувчи метилметакрилат миқдори меъёрлари ишлаб чиқилган;

умуртқа поғонаси экстрадурал ўсмаларини Tomita ва WWB таснифлари асосида даволашнинг декомпрессив, декомпрессив–стабилизацияловчи ва стабилизацияловчи дифференциал хирургик ёндашувларга кўрсатмалар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экстрадурал ўсмалари бўлган беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш мақсадида орқа мия экстрадурал ўсмаларини эрта аниқлаш ва дифференциал даволаш тартиби тавсия этилган;

орқа мия экстрадурал ўсмаларини даволашда такомиллаштирилган жаррохлик ёндашуви тавсия этилган;

орқа мия экстрадурал ўсмаларини даволаш сифатини оширувчи умуртқа танаси деструктив ўчоғи катталигини аниқлаш ва суякка юбориладиган метилметакрилат миқдори меъёрларини белгилаш тартиби ишлаб чиқилган;

орқа мия экстрадурал ўсмаларини оператив даволаш учун Tomita ва WWB таснифлари асосида кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва аниқ жарроҳлик ёндашув услублари белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги клиник, рентгенологик, МРТ, МСКТ, сцинтиграфия, ультратовуш усуллари ва лаборатор хамда гистологик текширувларга асосланган, олинган барча натижа ва хулосалар статистик тахлил билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти орқа мия экстрадурал ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик амалиётларини бажаришга дифференциал ёндашувлар комплексидан иборат хирургик тактика такомиллашти-рилганлиги, ўсмаларнинг диагностикаси ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, ўсмаларнинг жойлашуви ва гистологик хусусиятларига кўра дифференциал клиник кўринишларининг аниқланиши, умуртқа танасининг патологик ўчоғи ўлчамларини ва унга юбориладиган метилметакрилат миқдорини белгилаш, умуртқа танасининг бутунлигини тиклаш услубининг ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти орқа мия экстрадурал ўсмалари бўлган беморларда такомиллаштирилган орқа-ён жарроҳлик ёндашув усули нерв-томир устунини сақлаб қолиш хамда декомпрессия ва стабилизация натижаларини яхшилаш имкониятини яратганлиги, умуртқа танасининг хажми ва унга юбориладиган цемент миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган услуб хирургик асоратларнинг олдини олиш имконини яратганлиги ва беморни фаоллаштириш хамда конструкцияни олиб ташламасдан бемор хаёти давомида сақлаб туриш имкониятини берганлиги, орқа мия экстрадурал ўсмаларида таклиф этилган жаррохлик усули даволаш муолажалари давомийлигини қисқартирганлиги ва қон йўқотишни камайтирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орқа мия экстрадурал ўсмалари бўлган беморларда хирургик даволаш тактикасини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Прогностические факторы и лечебные рекомендации для больных с метастатическими новообразованиями позвоночника» («Умуртқа поғонасининг метастатик ўсмаларининг прогностик омиллар ва беморларни даволаш тавсиялари») услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2018 йилнинг 27 мартидаги 8н-д/55-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома экстрадурал ўсмалари бўлган беморларни даволаш ва умуртқа поғонасининг нерв-томир устунини максимал равишда декомпрессия қилиш натижаларини яхшилаш имконини берган;

«Перкутанная вертебропластика в лечении больных с опухолями позвоночника» («Умуртқа поғонаси ўсмалари бўлган беморларни даволашда перкутан вертебропластика») услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2018 йилнинг 27 мартидаги 8н-д/55-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома клиник-инструментал текширувлар натижаларига асосланган босқичли даволаш натижаларини, умуртқа поғонасидаги патологик ўчоқлар хажмини аниқлаш ва умуртқа танасига юборилувчи метилметакрилат миқдори меъёрларини белгилаш йули билан умуртқа поғонаси мустахкамлигини тиклаш учун хизмат қилган.

Экстрадурал ўсмалари бўлган беморларда хирургик даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғликни сақлаш тизимига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, Республика ихтисослаштирилган шошилинч тиббий ёрдам маркази Бухоро филиали, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникасида жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2018 йилнинг 27 мартидаги 8н-д/55-сон маълумотномаси). Натижада орқа мия экстрадурал ўсмаларини даволашда хирургик ёндашувни қўллаш орқали асосий гурухдаги беморларни, назорат гурухига нисбатан, эрта даврда (2-3-кунларида) фаоллаштиришн ва оғриқни (2 марта) камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, 5та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалар асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгиликлар ва амалий натижалар, илмий натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, илмий ишлар сони ва апробацияси хамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Экстрадурал орқа мия ўсмаларни ташхислаш ва хирургик даволаш муаммоларининг замонавий холати»** номли I боб мавзуга оид адабиётларни маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлилига бағишланиб, орқа мия экстрадурал ўсмаси бўлган беморларда тиббий ёрдам масалалари, диагностика ва даволаш тактикасига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материаллар ва беморларни текшириш усулларининг умумий тавсифи»** номли II бобда фойдаланилган материал ва текшириш усуллари хақида ёритилган. Илмий иш экстрадурал орқа мия ўсмаси билан касалланган Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий текшириш марказида 2008-2015 йй.ларда даволанган 249 беморнинг тадқиқот натижаларига асосланган. Беморларнинг ўртача ёши 41,6. Аёллар 121та (48.6%), эркаклар эса 128та (51.8%) (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган беморларнинг ёшга ва жинсга кўра учраши
(ЖССТ таснифига кўра, 2014)

Беморлар ёши	Жинс				Жами	
	Эркаклар		Аёллар			
	сони	%	Сони	%	Сони	%
25 ёшгача	28	11,2	23	9,2	51	20,4
26-44	38	15,3	41	16,5	79	31,8
45-60	49	19,7	41	16,5	90	36,2
61-75	13	5,2	16	6,4	29	11,6
76-90	-	0	-	0	-	0
Жами	128	51,4%	121	48,6%	249	100%
Беморларнинг ўртача ёши – 41,6						

Назорат гурухига кирувчи текширилган 100 та бемор 2008 йилдан 2011 йилгача анъанавий усулда даволанганлар ва асосий гурухга кирувчи 149 та бемор 2012 йилдан 2015 йилгача ишлаб чиқилган усулни қўллаган холда даволанганлар. Назорат гуруҳида эркаклар 51 (51%) кишини, аёллар эса 49 (49%) кишини ташкил этди. Асосий гуруҳда эркаклар 77 (52%) кишини, аёллар эса 72 (48%) кишини ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларнинг гуруҳлар ва жинслари бўйича бўлиниши

Беморлар жинси	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
Эркаклар	77	52%	51	51%
Аёллар	72	48%	49	49%
Жами	149	100%	100	100%

Барча 249 нафар беморларга клиник-неврологик, компьютер-томография, магнит-резонанс-томография, рентгенологик, сцинтиграфик текширувлар натижалари ва гистологик маълумотларига кўра ташҳис қуйилган (1-расм) ва жарроҳлик амалиётлари ўтказилган.



1-расм. Ўсмаларнинг гистологик холати

Ҳар бир текшириш усули ёрдамида ташҳислаш натижалари ўзаро таққосланиб, жарроҳлик амалиёти услубларини танлаш ва такомиллаштириш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Беморларнинг ҳаёт сифати Karnofski (1997) шкаласи асосида баҳоланди. Экстрадурал ўсмаларнинг гистологик тузилишига кўра яхши сифатли ўсмалар орасида асосий қисмни гемангиомалар ташкил этди. Гемангиомалар аёлларда, эркакларга нисбатдан икки марта кўпрок учради.

Диссертациянинг **“Орқа мия экстрадурал ўсмалари клиникаси ва диагностикаси”** номли учинчи бобда хусусий маълумотлар келтирилган бўлиб, беморлар ўсмаларнинг гистологик хусусиятларига кура уч гурухга бўлдик: биринчи гуруҳни бирламчи яхши сифатли ўсмаси мавжуд бўлган беморлар, иккинчи гуруҳни бирламчи ёмон сифатли ўсмаси мавжуд бўлган беморлар ташкил этган бўлса, учинчи гуруҳни метастатик ўсмалар билан зарарланган беморлар ташкил этди.

Яхши сифатли ўсмалар 111 (44.6%) та ҳолатда, ёмон сифатли ўсмалар 138 (55.4%) та кузатувларда аниқланган бўлиб, улар орасида 95 (68.8%) холатда бирламчи ёмон сифатли ўсмалар, қолган 43 (31.2%) холларда метастатик ўсмалар аниқланди. Яхши сифатли ўсмалар аниқланган беморларнинг ярмиси 44 ёшгача бўлиб, 34 (79%) ҳолатда метастатик ўсмалар билан касалланганлар 45 ёшда бўлган беморларни ташкил этди. Бирламчи ёмон сифатли ўсмалар кўпрок ўрта ёшли беморларда учради. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, метастатик ўсмалар билан зарарланган беморларнинг ўртача ёши 41.68, яхши сифатли ўсмаларда 37.34 ёшни, бирламчи ёмон сифатли ўсмаларда эса 41.49 ёшни ташкил этди (2- расм).



2-расм. Гуруҳлар бўйича беморнинг ўртача ёши

Ёмон сифатли ўсмаларда кўпчилик ҳолларда оғрик доимий бўлиб, вақт-вақти билан пасайиб, вертикал холатда кучайиши кузатилди. Айрим беморларни кечки оғриқлар безовта қилди. Бундай беморларда аниқ ташҳис қўйишдан олдин, ёндош мутахасислар томонидан белгиланган физиотерапевтик даволаш муолажалари оғрикларнинг кучайишига сабаб бўлган.

Беморларнинг хаёт сифати Karnofski шкаласи ёрдамида баҳоланган. Қониқарли ҳолатдаги беморлар Karnofski шкаласида (80-100%) баҳоланиб, 16 (6.5%) беморни ташкил этди, ўртача ҳолат (50-70%) 229 (92.3%) беморларда

ҳамда ёмон натижалар (10-40%) 3 (1.2%) беморда аниқланди. Оғир холатдаги беморларнинг аксарият қисми метастатик ўсмалар билан касалланган беморлар гуруҳига тўғри келди. Ёмон ва яхши сифатли ўсмалар гуруҳларида оғир холатдаги беморлар учрамади. Кузатувларда аксарият умумий аҳволи қоникарли беморлар яхши сифатли ўсмалар билан касалланган беморлар гуруҳига тўғри келди ва у 12(10.8%) беморни ташкил этди.

Орқа мия экстрадурал ўсмаларининг тарқалган даврида клиник белгилар оғрикли синдром, ҳаракат ва сезги бузилишлари, трофик бузилишлар хамда чаноқ органларнинг функционал бузилиши билан характерланди. Бундай белгиларнинг яққол намоён бўлиши ўсманинг ривожланиш даражаси, орка миянинг сиқилиш даражаси билан узвий алоқадорлиги ва ўсманинг жойлашган жойга боғлиқлиги аниқланди.

Метастатик ўсмаларнинг клиник белгиларидан бири зарарланган соҳада оғрик борлиги, тана холатини ўзгартирганда кучайиши, ўсма зарарлаган жойига кўра, неврологик танқислик парездан тортиб то мучаларда плегия, сезги бузилишлари ва чаноқ органларининг вазифалари бузилиши билан намоён бўлиши мумкин.

Умуртқа танасидаги метастатик ўсмаларда клиник кечиши тез намоён бўлиб, ўртача ушбу муддат 3 ойдан 6 ойни ташкил этди.

Текширув усуллари орасида оптимал ва тўла маълумотли усул МРТ ҳисобланиб, у бизга ўсманинг аниқ локализацияси, ҳажми, шакли, орқа мия пардаси билан алоқадорлиги ҳамда ушбу факторларнинг орқа мия каналига таъсири ҳақида маълумот беради.

Олиб борилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, умуртқа поғонаси, орқа мия ҳамда унинг ён шоҳлари зарарланиш даражаси фақатгина комплекс ташҳислаш: тўлиқ неврологик текшириш, МСКТ ва МРТ маълумотлари асосида аниқланиши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Орқа мия экстрадурал ўсмаларини жарроҳлик даволаш усуллари”** деб номланиб, олиб борилган жарроҳлик амалиётлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Изланишлар жараёнида шу аниқ бўлдики, беморларнинг комплекс текширувлар натижасида ҳам аниқ морфологик ташҳис қўйиш қийинчиликлари мавжуд, масалан ўсма биопсияси ва морфологик текширувлар натижалари ўсма турини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари тартибсиз равишда олиб борилган текширувлар, ташхислашда вақтни асоссиз сарфланишига сабаб бўлиб, кейинчалик ўсма тез ривожланиши натижасида оғир асоратларга олиб келади. Шуни инобатга олган ҳолда, ташҳислаш мезонларни танлаш ва беморни кейинги даво чораларини тартибли олиб боришга ёрдам берадиган ташхислаш ва даволаш бўйича алгоритм тузилди. Олиб борилган изланиш натижаларига кўра, жаррохлик йўли билан даволашда неврологик статус, ўсманинг гистологик табиати, оғриқ характери ва интенсивлиги, патологик синишнинг хавфи, зарарланиш жараёнининг локализацияси ва

тарқалганлиги, ҳамда метастатик ўсмалар зарарланган беморларда умр кўриш давомийлиги каби холатлар хисобга олинди.

Экстрадурал ўсмаларни жарроҳлик йўли билан даволашда асосий гурух беморларида орқа-ёнбош хирургик ёндашуви қўлланилди. Орқа-ёнбош ёндашувида, умуртқага кириб бориш учун, тери умуртқа ўткир ўсиқлари устидан чизиқсимон кесилади. Тери кесмаси жарохатланган умуртқадан 1-2 умуртқа юқорироқ ва пастроқ кесилади. Тери кесмаси ўтказилгандан кейин кўкрак-бел фасцияси кўринади ва улар ўткир ўсиқларидан ажратилади. Кўкрак-бел фасцияси ажратилгандан сўнг, паравертабрал мушаклар электротиғ ёрдамида умуртқанинг ўткир ўсиқлари ва равоқларидан ажратилади (бу муолажа жаррохлик амалиётиниг хажмига кўра бир ёки икки томонлама бажарилиши мумкин). Кўкрак-бел фасцияси 2 та бир хил кесма орқали, ўткир ўсиқлар ёнидан кесилади. Қолган фасция бўлаги жарохатни тикишда енгиллик яратади. Кўкрак умуртқалари соҳасида ён-қовурға бўғинини, бел умуртқалари соҳасида умуртқаларарo ва ён ўсиқларини яхшироқ кўриниши учун мушаклар имкон даражасида латерал тортилади. Мушакларни латерал тортиш уларни иннервация қилувчи нерв толаларининг жароҳатланишига олиб келмайди, чунки улар орқа миядан латерал ўтади.

Умуртқанинг орқа тузилмалари очилгандан сўнг кенгайтиргич қўйилади. ЭОП ёрдамида керакли умуртқа белгилаб олинади ва умуртқа равоғи ва сариқ бойлам резекция қилинади. Резекциядан мақсад орқа мия пардасини кўриш бўлиб, сўнг икки устунли фенестрация бажарилади ва орқа мия нерв илдизлари очилади. Умуртқа равоғи қисман олиб ташланади, сўнгра унинг ён девори, ёқоридаги умуртқаларарo бўғим тўлиқ олиб ташланади (3-расм).


a


b

3-расм. Бел умуртқалари суяк тузилмаларини олиб ташлашнинг схематик кўриниши: a) орқа томондан; b) ён томондан.

Кейинги боскич умуртқа танасининг олд ва ён қисмида жойлашган ўсмани олиб ташлашдан иборат бўлиб, қошиқча орқали ўзгарган умуртқа суяк бўлаклари олиб ташланади.

Орқа мия нерв илдизлари ва қон томирлари йиғмаси декомпрессиясидан сўнг икки томонлама ёндашиш усули бажарилган бўлса, умуртқа стабилизацияси бажарилади. Умуртқа поғонаси стабилизацияси бажарилгандан сўнг, жароҳат қаватма-қават тикилади. Жаррохлик

амалиётидан сўнг жарохат сохасида оғриқни камайтириш мақсадида мушаклар орасига оғриқ қолдирувчи дори воситаси юборилади.

Кузатувимиздаги 149 асосий гурух беморларидан 130 (87%) тасида бизнинг такомиллаштирилган орқа-ён ёндашиш усулимиз қўлланилди. Бунда жаррохлик амалиёти ва вертебропластика учун умуртқа танаси хажмини аниклайдиган ишлаб чиқилган дастурдан фойдаландик.

Назорат гурухидаги 100 бемордан 74 (74%) тасига анъанавий усулда жарроҳлик амалиёти ўтказилди (5-расм).



5-расм. Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиёти сони

Жарроҳлик тактикани танлашда биз Tomita ва Weinstein-Boriani-Biagini классификациясидан фойдаландик (3 ва 4-жадваллар).

3-жадвал

Орқа мия экстрадурал ўсмаларини жаррохлик усули билан даволаш (ўсмаларнинг жойлашуви ва тарқалганлиги, Tomita бўйича,1997)

Операция турлари	Tomita классификацияси				Жами	%
	Тип 1	Тип 2	Тип 3	Тип 4,5,6,7		
Декомпрессив	3	97	-	-	100	42%
Декомпрессив- стабилизацияловчи	-	-	15	89	104	44%
Стабилизацияловчи	32	-	-	-	32	14%

4-жадвал

Орқа мия экстрадурал ўсмаларни жарроҳлик даволаш Weinstein-Boriani-Biagini (WBB) бўйича (1997)

Операция турлари	Weinstein-Boriani-Biagini		Жами	%
	Сегментлар 9, 10, 11, 12, 1, 2, 3, 4	Сегментлар 5-8		
Декомпрессив	100	-	100	42%
Декомпрессив- стабилизацияловчи	47	57	104	44%
Стабилизацияловчи	-	32	32	14%

Орқа мия экстрадурал ўсмаларда жарроҳлик даволаш аниқ кўрсатмалар асосида олиб борилади. Агарда жараён умуртқа суяги орқа кисмида (ўткир ўсик, равоқларда) зарарланганда ламинэктомия амалиёти учун кўрсатма хисобланади.

Экстрадурал ўсмаларда орқа-ён ёндашув орқали қилинган декомпрессив-стабилизацияловчи операциялар, эрта активация ва 3 устунда стабилизациядан сўнг беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга имконини яратади. Вертебропластика амалиёти купчилик холатда беморда оғрик синдромининг пасайиши ва патологик синишнинг олди олинади.

Диссертациянинг **“Орқа мия экстрадурал ўсма билан касалланган беморларни жаррохлик даволаш натижалари”** номли бешинчи бобида 249 (100%) нафар бемордан 206 (82.7%) тасида очиқ усулда оператив даво натижаларига бағишланган, 8 (3.2%) та кузатувда ўсма олиш жараёни бевосита вертебропластика амалиёти билан тўлдирилди. Жами бевосита вертебропластика амалиёти 40 (16%) беморда, улардан 32 (12.8%) кузатувда тери орқали вертебропластика амалиёти ўтказилган.

Гистологик биопсия олиш мақсадида 8 (3.2%) ҳолда тери орқали биопсия олиш амалиёти ўтказилган. 206 нафар беморларда операция умумий наркоз остида амалга оширилган ва 32 та беморда маҳаллий оғриксизлантириш остида вертебропластика ўтказилган. 178 (71.5)% кузатувда беморлар орқа томондан кириш усули орқали операция қилинган.

Ушбу усулни кўплаб қўлланилиши бир неча сабаблар орқали изоҳланади: биринчидан, ушбу усул камжарохатли бўлиб, паллиатив операцияларга мос келади; иккинчидан, ушбу усул ўсмани тўлиқ олиб ташлаш хамда ўсма орқа мия дурал пардаси билан икки томонлама бирга зарарланганда орқа мия ва унинг ён шохлари декомпрессия қилиш имконини яратади.

Бундан ташқари, умуртқа поғонасининг бир неча соҳаси зарарланишини даволашда орқа томондан кириш усули оптимал хисобланади. Кузатув жараёнида ушбу усул бирламчи ёмон сифатли ўсмаларда 70(28.1%) ҳолларда ва 20(8.0%) метастатик ўсмаларда қўлланилган. Декомпрессив-стабилизацияловчи операциялар орқа томондан кириш усули ёрдамида амалга оширилиб, олд томондан кириш усули орқали ўсмани тотал олиб ташланган холатларда жараённинг юқори жарохатлилиги ва қон йуқотиш хавфининг юқорилиги сабабли кўпчилик беморлар томонидан оперция оғир кечди.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатдики, биринчи (асосий) гуруҳдаги 149 бемордан 18(12%) тасида ҳаракат бузилишлари кузатилди, иккинчи (назорат) гуруҳида бу кўрсатгич 100 та бемордан 25(25%) тасида кузатилди.

Жарроҳлик амалиётидан кейин сезишнинг бузилиши биринчи гуруҳда 24 (16 %) беморда, иккинчи гуруҳда 22(22%) беморда сақланиб қолган. Оғриқ синдроми эса орқа-ён ёндашувидаги жаррохлик амалиётидан кейин асосий гуруҳ беморларида биринчи кунда кескин пасайди, асосий гуруҳда

оғрик синдроми 18 (12 %) беморда, иккинчи гуруҳда 24 (24 %) беморда сақланиб қолганлиги кузатилди (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий ва назорат гурухи беморларида жаррохлик амалиёти натижаларини таққослама тахлили

Жарроҳлик амалиёти вақти	Неврологик бузилишлар	1-гурух		2-гурух	
		абс.	%	абс.	%
Жарроҳлик амалиётигача	Харакат бузилишлари	119	79,9±3,3	74	74,0±4,4
	Сезги бузилишлари	121	81,2±3,2	82	82,0±3,9
	Оғриқ синдроми	137	91,9±2,2	90	90,0±3,0
Жаррохлик амалиётидан кейин	Харакат бузилишлари	18	12,1±2,7* **	25	25,0±4,4***,^
	Сезги бузилишлари	24	16,1±3,0 ***	22	22,0±4,2***
	Оғриқ синдроми	18	12,1±2,7 ***	24	24,0±4,3***,^

Изох: * - жаррохлик амалиётигача бўлган кўрсатгичлар билан таққосланганда ахамиятли (*** - P<0,001)

^ - иккинчи гурух кўрсаткичлари билан таққослаганда ахамиятли (^-P<0,05)

Жарроҳлик амалиёти вақтида асосий ва назорат гуруҳи беморларида қон йўқотиш таққосланди. Қиёсий текширишлар шуни кўрсатдики, анъанавий усулда операция қилинган назорат гуруҳи беморларида асосий гуруҳдагиларга қараганда қон йуқотиш кўпроқ кузатилди.

Назорат гуруҳида яхши сифатли ўсмаларда қон йўқотиш ўртача 459 мл., ёмон сифатли ўсмаларда 531 мл., метастазларда эса 793 мл. ни ташкил қилди. Асосий гуруҳда бу кўрсатгич яхши сифатли ўсмаларда 307 мл., ёмон сифатли ўсмаларда 332 мл., метастатик ўсмаларда 375 млни ташкил қилди (6-жадвал).

6-жадвал

Жарроҳлик амалиёти вақтида қон йўқотиш миқдори

Ўсма тури	Йўқотилган қон миқдори (мл)	
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Яхши сифатли усмалар	307,7±4,4***	459,0±7,8
Ёмон сифатли усмалар	332,3±5,4***	531,5±10,0
Метастатик усмалар	375,0±21,4**	792,9±122,2

Изох: *- назорат гурухи кўрсаткичлари билан таққосланганда аҳамиятли (**-P<0,01; ***-P<0,001)

Таъкидлаш керакки, жарроҳлик амалиётида такомиллаштирилган орқа-ён ёндашиш усулини қўллаш орқали амалиёт вақтида қон йўқотишни яхши сифатли ўсмаларда 152 млга, ёмон сифатли ўсмаларда 199 млга, метастатик ўсмаларда 418 млга камайтиришга эришилди.

Ундан ташқари, орқа-ён ёндашиш усули асосий гурухдаги беморларда барча турдаги ўсмаларда жарроҳлик амалиёти вақтини қискартирди. Амалиёт вақти асосий гуруҳ беморларида: яхши сифатли ўсмаларда ўртача 127 минут, ёмон сифатли ўсмаларда 140 минут, метастатик ўсмаларда 171 минутни ташкил килди. Назорат гуруҳида: яхши сифатли ўсмаларда ўртача 170 минут, ёмон сифатли ўсмаларда 185 минут, метастатик ўсмаларда эса ўртача 207 минутни ташкил қилди (7-жадвал).

7-жадвал

Жарроҳлик амалиётининг ўртача давомийлиги

Ўсма тури	Жарроҳлик амалиёти давомийлиги (минутларда)	
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Яхши сифатли ўсмалар	126,7±1,4***	170,7±2,2
Ёмон сифатли ўсмалар	140,6±1,8***	185,2±2,9
Метастатик ўсмалар	171±5,0**	207,1±7,8

Изох: *- назорат гурухи кўрсатгичлари билан таққосланганда аҳамиятли (**-P<0,01; ***-P<0,001)

Орқа-ён ёндашувини қўллаш орқали яхши сифатли ўсмаларда амалиёт вақтини 43 минутга, ёмон сифатли ўсмаларда 45 минутга, метастатик ўсмаларда 36 минутга қискартиришга эришилди.

Орқа-ён ёндашув усулини қўллаганда Карновский шкаласи бўйича ҳаёт сифатининг яхшиланганлиги ҳам кузатилди. Асосий гуруҳнинг яхши сифатли ўсмаси бўлган беморларда яхши натижалар 85% ҳолларда, қониқарли натижалар 15% ҳолларда кузатилди, қониқарсиз натижалар кузатилмади. Ушбу гуруҳнинг бирламчи ёмон сифатли ўсмаси бўлган беморларида яхши натижа 53% ҳолларда, қониқарли натижа 47% ҳолларда кузатилди. Метастатик ўсмаси бўлган беморларда яхши натижа 30%, қониқарли натижа 70% ҳолларда кузатилди. Назорат гуруҳида: яхши сифатли ўсмаси бўлган беморларда яхши натижа 45%, қониқарли натижа 55% ни ташкил этди. Бирламчи ёмон сифатли ўсмаси бўлган беморларда яхши натижа кузатилмади, қониқарли натижа 96% ҳолларда, қониқарсиз натижа эса 4% ҳолларда кузатилди. Назорат гуруҳининг метастатик ўсмаси бўлган беморларда қониқарли натижа 57 %, қониқарсиз натижа 43% ҳолатларда кузатилди (8-жадвал).

Қиёсий текширишлар шуни кўрсатдики, экстрадурал ўсмалари бўлган беморлар учун гистологик ташхис катта аҳамиятга эга. Оғир неврологик статусга эга бўлган беморлар гуруҳи метастатик ўсмалари бор беморлар

хисобланади, кейинги ўринда бирламчи ёмон сифатли ўсмалари бор беморлар туради.

8-жадвал

Жаррохлик амалиётидан кейинги эрта даврда ҳаёт сифатини Карновский шкаласи бўйича таққослаш

Гурухлар ва ўсмалар тури			Натижалар		
			Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
Асосий гуруҳ	Яхши сифатли ўсмалар (n = 54)	абс.	46	8	-
		%	85,2±4,9**	14,8±4,9**	-
	Ёмон сифатли ўсмалар (n = 53)	абс.	28	25	-
		%	52,8±6,9***	47,2±6,9***	-
	Метастатик ўсмалар (n = 10)	абс.	3	7	-
		%	30,0±15,3*	70,0±15,3	-
Назорат гуруҳи	Яхши сифатли ўсмалар (n = 29)	абс.	13	16	-
		%	44,8±9,4	55,2±9,4	-
	Ёмон сифатли ўсмалар (n = 27)	абс.	-	26	1
		%	-	96,3±3,6	3,7±3,6
	Метастатик ўсмалар (n = 7)	абс.	-	4	3
		%	-	57,1±20,2	42,9±20,2

Изох: *- назорат гурухи кўрсаткичлари билан таққослаганда ахамиятли (*-P<0,05; **- P<0,01; ***-P<0,001)

Ишлаб чиқилган дифференциаллашган жаррохлик услуби анъанавий усулдагига нисбатан даволаш натижаларини неврологик жиҳатдан 1,7 (±0,4) марта яхшилашга имкон берган кам жароҳат услуб хисобланиб беморларни эрта фаоллаштириш ва йўқотилган функцияларни тиклаш имконини оширган.

Даволаш натижаларини ўрганишда қуйидаги омиллар аниқланди:

- Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда оғриқ синдромининг сусайишини ўсманинг гистологик табиати белгилайди. Метастатик ўсмалар кўп холларда ёмон натижа кўрсатади.

- Қониқарсиз даво натижалари гигант хажмдаги ўсмаларда ва суяк цементи миқдори нотўғри танланганда кузатилиши мумкин.

- Неврологик холатнинг бошланғич даврдан бошлаб ёмонлиги ва касалликнинг кечиш вақти неврологик етишмовчилик регрессини белгиловчи омил ҳисобланади.

- Неврологик етишмовчиликнинг давомийлиги ва оғирлашиш тезлиги етишмовчиликнинг тикланишини белгиловчи омил сифатида қўллаш мумкин.

ХУЛОСА

1. Экстрадурал ўсмаларни текшириш натижалари шуни кўрсатдики, экстрадурал ўсмалар кукрак умуртқаларида 51,7%, бел умуртқаларида 25,7%, бўйин умуртқаларида 12,8%, думғаза соҳасида 4,4% ҳолларда учради. Яхши сифатли экстрадурал ўсмалар 44,6%ни ташкил этди. Бирламчи ёмон сифатли ўсмалар 38,1% ва метастазли ўсмалар 17,3%ни ташкил этди. Экстрадурал ўсмаларнинг эркаклар ва аёлларда учраш даражаси деярли фарқланмади.

2. Экстрадурал ўсмаси бўлган беморларнинг касалликнинг клиник кечиши, симптомларнинг тури ва намоён бўлиш даражаси ўсманинг гистологик хусусиятига, жойлашган жойига, тарқалганлик даражасига боғлик. Экстрадурал ўсмалари бўлган 96% холларда огриқ синдроми намоён бўлди. Неврологик бузилишлар, парез, фалажлар ва чаноқ аъзолари функцияси бузилишлари 96% беморларда намоён бўлди. Чуқур неврологик бузилишлар асосан бирламчи ёмон сифатли ўсмаларда (26%) ва метастазли ўсмаларда (29%) учради. Тадқиқотлар натижалари жаррохлик амалиёти бажарилишини қарор қилишдан олдин спондилография, МСКТ, МРТ ва сцинтиграфия текширув усуллари ўтказилиши заруриятини кўрсатди.

3. Ишлаб чиқилган алгоритм экстрадурал ўсмаларни ташхислаш мезонларини аниқлашга ва жаррохлик натижаларини яхшилашга ёрдам беради. Экстрадурал ўсмалари бўлган беморларда жаррохлик амалиётини бажариш учун мутлоқ кўрсатмалар сифатида оғриқли синдром, орқа мия ва илдизчаларнинг сиқилиши, кучайиб борувчи неврологик нуқсон, умуртқа поғонасининг нотурғунлиги, метастатик жарохатланишлар Tokuhashi бўйича 4-9 балл хисобланди.

4. Декомпрессив жаррохлик амалиёти ўсманинг Tomita бўйича 1,2 типда бўлиб, WWB бўйича 9,10,11,12,1,2,3,4 сегментларда жойлашиб, орқа мия сиқилган ва умуртка-таянч сегментининг турғунлиги бузилмаган холатларда жаррохлик амалиёти кўрсатилади. Ўсма Tomita бўйича 3,4,5,6 типда, WWB бўйича 1,12 сегментларда жойлашган ва умуртқа танасининг бутунлиги бузилган, умуртқа-таянч сегментининг нотурғунлиги кузатилган холатларда декомпрессив–стабилизацияловчи жарроҳлик амалиётини ўтказишга кўрсатма бўлади. Ўсма жараёни Tomita бўйича 1 типда, WWB бўйича 3,4,5 сегментларда жойлашиб, ўсманинг умуртқа танаси чегарасидан чиқмаган ва умуртқанинг патологик синиш хавфи бўлган холларда стабилизацияловчи жаррохлик амалиёти ўтказилади.

5. Экстрадурал ўсмаси бўлган беморларда хирургик даволашнинг натижаларига таъсир қилувчи критерийлар сифатида неврологик танқислик даражаси, ўсманинг гистологик хусусиятлари, неврологик холатни олдиндан ёмонлиги ва касаллик кечиш давомийлиги каби неврологик етишмовчилик регресси белгилари деб ҳисобланди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО – ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР НЕЙРОХИРУРГИИ

МАРДАНОВ ЖАМШИД ЖАХОНГИРОВИЧ

ТАКТИКА ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЭКСТРАДУРАЛЬНЫХ ОПУХОЛЕЙ СПИННОГО МОЗГА

14.00.28 - Нейрохирургия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Tib123

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре нейрохирургии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.niito.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Кариев Гайрат Маратович** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Мирзабаев Марат Джумабекович** доктор медицинских наук (Республика Казахстан)
	Кадырбеков Равшанбек Турсунбекович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «_____»_____ 2018 г. в _____часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.28.02.2018.Tib.62.01при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100147, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки №_____от _____ 2018 года).

М.Ж. Азизов
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, кандидат медицинских наук.
старший научный сотрудник

И.Ю. Ходжанов
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения первичные опухоли спинного мозга среди органических заболеваний ЦНС составляют от 1,98 до 3%, среди них экстрамедуллярные экстрадуральные новообразования доминируют, достигая от 16 до 38%[1]. Среди экстрадуральных опухолей позвоночника метастатическое поражение его встречается в 96%, и только в 1-4% встречаются первичные доброкачественные или злокачественные опухоли. По данным мировой литературы «двухлетняя выживаемость при первичных злокачественных поражениях в среднем составляет 54%, при метастатических – 40%»[2].

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований. Они посвящены на улучшение результатов лечения больных с метастатическими экстрадуральными опухолями позвоночника и патологических переломов позвонков, восстановление стабильности позвоночника, усовершенстование методов химиотерапии, профилактику осложнений. Быстрый темп развития нейровертебрологии и нейроанестезиологии за последних лет способствовал повысить возможности хирургической активности в данной сфере. Однако недостаточно разработаны методы хирургического лечения экстрадуральных опухолей, декомпрессии нервно-сосудистого ствола, нет единого мнения по повышению стабильности позвоночника, профилактике рецидивов опухолей и рецидивов их.

В настоящее время учеными применяются различные дифференцированные методы хирургического лечения экстрадуральной опухоли в зависимости от типа ее (локальный или распространенный). Проведены научные исследования в области лечения метастазов и интрадуральных опухолей. Усовершенствовано применение методов транспедикулярных фиксаций. Несомненна роль разработки комплексного алгоритмов диагностики и хирургического лечения больных с экстрадуральными опухолями спинного мозга, позволяющих своевременно выявить наличие и характер повреждений позвоночного столба, улучшить качество оказываемой помощи и сократить частоту специфических осложнений, разработки оптимальной стратегии лечения данного контингента больных, в зависимости от распространенности процесса и прогноза общей выживаемости. На сегодняшний день, в условиях реформирования системы здравоохранения, обеспечение высокого качества оказываемой медицинской помощи является одной из приоритетных задач.

В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. определены задачи[3] «укрепления здоровья

---

[1] Wu J., Ranjan S. Continuum Learning in Neurology, 2018 / https://journals.www.com/continuum/.

[2] Basma J, Nguyen V, Sorenson J, Michael LM 2nd. Orbitopterional Approach with Extradural Clinoidectomy for the Resection of a Tuberculum Sellae Meningioma: Adapting the Strategy to the Microsurgical and Pathological Anatomy. // J Neurol Surg B Skull Base. 2018 Apr;79 (Suppl 3):S261-S262. www.ncbi.nlm

[3] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

семьи, защиты материнства и детства, оказания специализированной медицинской помощи на основе высоких современных технологий, более широкой реализации комплексных мер по снижению заболеваемости и продления жизни больных».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан за №ПП-3052 «О мероприятиях усовершенствования деятельности органов здравоохранения» от 12 июня 2017 года и за №ПП-3071 «О мерах по развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан» от 20 июня 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Проблема лечения пациентов с экстрадуральными опухолями спинного мозга остается полностью нерешенной в связи с многообразием форм и проявлений неврологических синдромов, отсутствием ранних специфических клинико-рентгенологических признаков, что приводит к высокой (до 80%) частоте диагностических ошибок при патологических переломах, осложняющих опухолевый процесс (Chotai S, Liu Y, Qi S., 2018). По мнению Nussbaum ES (2018) дифференциальная диагностика причин компрессионного перелома при доброкачественных и злокачественных опухолях представляет значительные трудности, которые возникают и при диагностике одиночного поражения тела позвонка с его компрессией, так как требуется проведение распознавания между компрессионным травматическим переломом и патологической компрессией.

За последние годы отмечается рост опухолевых заболеваний, в связи с этим определяется тенденция ученых к раннему выявлению опухолевого процесса и повышению эффективности локальной химиотерапии (Dogan I., Ucer M., Başkaya M.K.,2018). По мнению некоторых ученых, операция должна быть выполнена не позднее 10 дней после возникновения параплегии (Tanaka T., Boddepalli RS., Miller DC., Cao Z., Sindhwani V., Coates J.R., Govindarajan R., Litofsky N.S. 2018), а другие утверждают, что ламинэктомия, выполненная позднее 24 часов после развития спинальных нарушений, способствует получить клинического эффекта. Все это затрудняет обоснование показаний к хирургическому вмешательству и выбор методики операции, а исследователи используют различные подходы в определении показаний и противопоказаний. Несмотря на то, что разработан ряд методик и показания к ним, недостаточны положительные результаты лечения (Фазилов Ш.К., Худойбердиев К.Т., Исаков Б.М., 2009).

В Узбекистане были проведены единичные работы в плане диагностики и лечения в основном метастатических опухолей позвоночника (Абдуллаев Д.Д., 2008; Перфильев С.В., 2009). Известно, что в стране отмечается тенденция к росту экстрадуральных опухолей (Кариев М.Х., 2008). В связи с этим считаем целенаправленным проведение исследований по диагностике и лечению, а также по разработке методов хирургического вмещательства.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра нейрохирургии №01980006703 «Разработка методов хирургического лечения больных с заболеваниями позвоночника при его травмах» (2015-2017гг.).

